



“МУҚУМИЙ” НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

¹Машрапова Роҳилахон Алихоновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
магистри,

²Зулфиқоров Довудбек Ойбек ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
талабаси,

³Жавҳаров Ойбек Зулфиқорович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
доценти, қ.х.ф.ф.д.(PhD), илмий раҳбар.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7835120>

ARTICLE INFO

Received: 08th April 2023

Accepted: 16th April 2023

Online: 17th April 2023

KEY WORDS

“Муқумий” наслчилик фермер
хўжалиги, экин майдонлари,
ем-хашақ, техника,
ускуналар, голштин зоти,
насли моллар, сигир,
ғунажин, пода таркиби,
суғориладиган ерлар,
озуқабон экинлар, сут соғиш
қурилмаси ва ҳаказо.

ABSTRACT

Ушбу мақолада, Андижон вилояти, Андижон
туманидаги “Муқумий” наслчилик фермер
хўжалигининг табиий-иқтисодий
шароитлари,хўжаликда урчитилаётган голштин
зотли қорамолларни пода таркиби, қорамолларни
урчитиш ва кўпайтириш имкониятлари ҳақида
маълумотлар ёритилган.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда дунё мамлакатлари миқёсида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қорамолчилик муҳим ўрин тутди. Аҳолини чорва маҳсулотларига бўлган талаби кундан кунга ошиб бормоқда, бу эса чорвачиликни барқарор ривожлантиришни, чорва ҳайвонларини маҳсулдорлик бўйича генетик имкониятидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилади. Бу борада сут йўналишидаги ихтисослашган қорамол зотларининг генетик имкониятларидан фойдаланиш, сут ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни ишлаб чиқиш йўналишлари долзарб бўлиб қолмоқда. [10; 141-151 б.]

Жаҳон мамлакатларида сут маҳсулдорлиги юқори, елини машина соғимида мослашган, истеъмол қилган озуқани сут билан қоплаш даражаси юқори бўлган қорамол зотларидан фойдаланиш учун кенг миқёсда илмий тадқиқотлар йўлга қўйилган. Бу йўналишдаги тадқиқотларда Голштин зотли қорамоллардан ва унинг дурагайларида бошқа зотли қорамолларнинг хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш, қора-ола тусдаги голштин зотли сигирлардан йилига ёғлилиги ўртача 3,8% бўлган 7340 кг гача, қизил-ола тусдаги голштин зотли сигирлардан эса



ёғлилиги 3,96% бўлган 4153 кг гача сут соғиб олишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. [6; 1084-1087 б.]

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Импорт йўли билан хорижий мамлакатлардан келтирилган қорамолларнинг мослашиш хусусиятини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш ҳайвонларни маҳсулдорлик бўйича генетик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришда муҳим ўрин тутди. Чунки, туридан, зотидан қатъий назар у ёки бу ҳайвон янги табиий иқлим ва экологик шароитга тушгандан кейин шу шароитга қанчалик тез ва яхши мослашса, иқлимлашса, уни маҳсулдорлиги шунчалик юқори бўлади, сифати эса яхшиланади. [7; 535-540 б.]

Голштин зоти ер юзида энг кўп тарқалган сут йўналишидаги қорамол зоти ҳисобланади. Бу зотнинг ватани Нидерландия бўлсада, аммо ундаги энг юқори сифатлар Америка ва Канада мамлакатларида пайдо бўлган. АҚШни Голштин ассоциацияси (1960) маълумотларига кўра 1852 йилдан 1905 йилгача Голландиядан АҚШ га 7757 бош қорамоллар келтирилган. [1;с. -51]

Голландия ва Европанинг бошқа давлатларидан фарқли равишда, АҚШ ва Канадада голландия зотида наслчилик ишларини олиб боришда, сигирларнинг тирик вазни ва сут маҳсулдорлигига асосий эътибор қаратилган. АҚШнинг 12 та штатида 1872 йилда қора-ола тусли қорамоллар урчитилган ва шу йили биринчи наслчилик китоби чоп этилган. Натижада АҚШ ва Канадада қора-ола тусли қорамолларнинг йирик подалари шакллانган. Улар Голланд зотидан юқори тирик вазн ва сут маҳсулдорлиги, экстеръери, елинини шакли ва ўлчами бўйича кескин фарқ қилган. Шундай ҳолатда, ҳеч қандай чатиштиришсиз, Голландия зоти негизда қорамолларнинг янги голштин зоти шаклланди ва кенг тарқалди.

АҚШ ва Канадада 1983 йилда Голштино-фриз зотига “Голштин” зоти деб ном берилган. Ҳозирги кунда бу зотнинг аҳамияти жуда юқори, чунки бу зот юқори сут маҳсулдорликни намоён қилади ва ер юзи бўйича сут йўналишидаги қорамолларни яхшиловчи зот деб қабул қилинган. [3; pp. 1-6]

Голштин зоти турли иқлим шароитига юқори мослашувчанлик хусусиятига эга. Хўжалик фойдали белгилари кўп бўлиб, озикани маҳсулот билан қоплаш даражаси юқори. Меъёр асосида озиклантирилганда, 8000-1000 кг сут маҳсулдорликни намоён қилади. Сутининг ёғлилик даражаси 3,6 - 4,0% ва оқсили 3,0-3,2% га тенг. [4;pp. 63-66], [5; pp. 8-15], [9]

Голштин зотли қорамолларнинг туси асосан қора-ола бўлади. Шунингдек, қизил-ола туслилари ҳам учрайди, улар рецессив шаклдаги белгилардир. Биринчи туғимдаги сигирларнинг тирик вазни 650 кг, катта сигирлари 750 кг тирик вазнга эга. Буқаларининг тирик вазни 1200 кг. Биринчи туғимдаги сигирларининг яғрин баландлиги 137 см, катта ёшдаги сигирларида 143-145 см, кўкрак чуқурлиги эса 80 см, кенглиги 55 см. Туғилганда эркак бузоқлари 40-42 кг, урғочилари 37-39 кг тирик вазнга эга бўлади. [8; pp. 116-120]

Голштин зотли сигирлар, типик сут йўналишидаги экстеръер хусусиятларига эга. Европанинг қора-ола тусли қорамолларига нисбатан сигирларида мускул тўқимаси нисбатан заифроқ ривожланган. Елини ҳажмдор, кенг, қорин терисига маҳкам



бирикан. Сигирларини елинининг 95% ваннасимон шаклга эга. Елин индекси 44-47%, сут бериш тезлиги 2,5 кг/мин дан кам эмас. Сигирларини танлашда сут бериш тезлигини 3 кг/мин дан кам бўлмаслигига эътибор берилмоқда. [2;с. -238], [11; pp. 8972-8983], [12; pp. 2440-2446]

Мамлакатимиз ҳудудига сўнгги йилларда ушбу зотга мансуб қорамоллар жуда кўп келтирилди. Соф ҳолда урчитилмоқда. Насли буқалари қора-ола, қизил-ола тусларда бўлиб, улардан бошқа зотларни такомиллаштиришда фойдаланилмоқда. Масалан, қора-ола тусли буқаларидан қора-ола, бушув зотларини чатиштиришда фойдаланилаётган бўлса, қизил-ола тусли буқаларидан қизил чўл, симментал зотли сигирларни уруғлантиришда фойдаланилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Тажрибалар олиб бориладиган Андижон вилояти Андижон туманидаги “Муқумий” наслчилик фермер хўжалигининг табиий иқлим ва иқтисодий шароити, умумий ер майдони, урчитилаётган қорамолларнинг пода таркиби, озуқа базаси, қорамолларни сақлаш шароитлари, сигирларни соғиш усуллари билан танишиш ва хулосалар қилиш.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот объекти қилиб, Андижон вилояти Андижон туманидаги “Муқумий” наслчилик фермер хўжалиги белгиланди.

Илмий тадқиқотлар олиб боришга шароитларнинг мавжудлигини ўрганиш мақсадида биз, хўжаликнинг табиий, иқтисодий шароитларини, урчитилаётган қорамоллар зоти, бош сони, хўжаликда чорва молларини озиқлантириш учун озуқа экин майдонлари, қорамолларни асраш шароити, сигирларни соғиш ишларини қандай ташкил этилганлиги каби маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун зоотехникавий, таҳлилий усуллардан фойдаландик.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Андижон вилояти Андижон туманидаги “Муқумий” наслчилик фермер хўжалиги Европанинг Польша ва Германия давлатларидан импорт йўли билан олиб келинган голштин зотига мансуб насли қорамолларни урчитадиган йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжалик вилоятда чорвачилик бўйича фаолият олиб бораётган рентабелли хўжаликлардан биридир. Хўжалик 1995 йил 31 августда ташкил топган. “Шу даврда хўжаликда 150 бош голштин зотига мансуб қорамоллар мавжуд бўлиб, хўжалик учун атиги 15 гектар ер ажратиб берилган эди ҳолос”,-деб таъкидлайди хўжалик раҳбари Баходиржон Рустамов.

Хўжалик катта магистрал йўлдан 3 км узоқликда жойлашган. Хўжаликда қорамолларни парваришлаш ва уларни тўлақийматли озиқлантириш албатта экин ер майдонига боғлиқ бўлади. Шу мақсадда биз, авваламбор хўжаликнинг экин ер майдонлари билан қизиқдик. Ҳозирда хўжаликнинг умумий ер майдони 87 гектарни ташкил этиб, шундан 5 гектар майдонда ферма жойлашган, қолган 82 гектари суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳисобланади. Бу майдонларда қорамолларни озиқлантириш учун 15 гектар майдонда беда пичани етиштириш учун бедазор ташкил этилган бўлиб, гектаридан ўртача 130 центнердан пичан ўриб олинади ва қорамолларни йил давомида дағал озуқаларга бўлган талаби қондириб келинади. 68 гектар майдонга кузда буғдой, тритикалий, рапс ва арпа экинлари аралаш ҳолда экилган бўлиб, хўжаликда бу ўсимликлардан корнаж яъни аралашма сенаж



озуқаси тайёрланади. Бу озуқа йилнинг май-июнь ойларида ўриб олинади ва гектаридан тўйимлилиги юқори бўлган 550-600 центнердан аралашмали сенаж озуқаси жамғарилади. Кейинчалик ушбу ҳосилдан бўшаган майдонларга маккажўхори экилиб, силос тайёрлаш учун ўриб олинади ва бўшаган майдонга яна аралашмали сенаж учун бошоқли экинлар экилади [7].

Шу ўринда айтиш мумкинки, 2022 йилда қорамолларни озиқлантириш учун 200 тонна беда пичани, 5520 тонна маккажўхори силоси, 3650 тонна буғдой сенажи жамғарилган.

Хўжаликда экин майдонларига ишлов бериш, даладан озуқаларни жамғариш ва фермада оғир ишларни механизациялаштириш шароитини ўрганиш учун биз, хўжаликнинг техника ва воситалар билан таъминланганлик даражасини ўргандик. Ерларни шудгорлаш ва экишга тайёрлаш учун 1 дона ARION-630 трактори, ерга уруғ қадаш учун 1 дона маккажўхори ва 1 дона буғдой экиш сеялкалари, қатор ораларига ишлов бериш, уруғ экиш, фермада қорамолларга озуқа тарқатиш, гўнгни тозалаш ва бошқа ишлар учун 1 дона МТЗ-80 ва 2 дона ТТЗ-100 маркали тракторлар, дағал озуқаларни даладан йиғиштириб олиш учун Class озуқа йиғиштиргич (пресс подборщик) ва юк ташиш учун 1 дона юк автомашиналари мавжудлигига гувоҳ бўлдик.

Қорамолларни суғориш ва сигирларни соғиб олиш жараёнлари ҳам тўлиқ механизациялаштирилган. Хўжаликда сигирларни соғиш Туркия давлатида ишлаб чиқарилган АРЧА типдаги “SEZER” сут соғиш залида амалга оширилади. Бунда бир вақтнинг ўзида 60 бош сигирни соғиш имконияти мавжуд. Сигирларни соғиш кунига икки маҳал, яъни эрталаб соат 5⁰⁰ да ва кеч 17⁰⁰ да амалга оширилиши кузатилди. Хўжаликда янги туққан сигирларни соғиш уч маротаба ташкил этилган.

Қиш мавсумида қорамолларни озиқлантириш учун силос, сенаж озиқалари захира қилинган. Бундан ташқари, илдизмевалилардан хашаки лавлаги жамғарилган. Омухта ем хўжаликка четдан сотиб олиб келтирилади. Хўжаликда сигирларга кунига 3 марта озуқа тарқатилади. Хўжаликда қорамолларни озиқлантириш бир хил типда яъни ширали ёки сувли озиқлантириш типда олиб борилади. Бузоқларга ёғли сут қўлдан бериб боқилади.


Биз хўжаликда қорамолларнинг пода таркибини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик ва қуйидаги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда хўжаликда 500 бош голштин зотли қорамоллар урчитилмоқда. Хўжалик наслчиликка ихтисослашган бўлиб, ҳар йили бошқа хўжаликларга ва аҳолига 6 ойлик ёшдаги 30-40 бош насли голштин зотли ёш таналарни реализация қилади. Насли ёш қорамолларнинг бир бошини ўртача сотиш баҳоси 7,5-8 млн сўмдан бўлгани ҳолда, хўжаликда йилига насли қорамолларни сотиш эвазига ўртача 285-304 млн.сўм даромад олиб келмоқда. Хўжаликда сигирларни уруғлантириш сунъий равишда амалга оширилади.

1-жадвал

Хўжаликда қорамолларнинг пода таркиби

№	Гурухлар	Сони, бош	Улуши, %
1	Сигирлар	200	40
2	18-24 ойлик ғунажинлар	59	11,8
3	12-18 ойлик буқачалар	20	4
4	12-18 ойлик урғочи таналар	22	4,4
5	6 -12 ойлик буқачалар	63	12,6
6	6-12 ойлик урғочи таналар	50	10
7	3-6 ойлик бузоқлар	38	7,6
8	0-3 ойлик бузоқчалар	48	9,6
Жами:		500	100

1-тасвир



Юқоридаги 1-жадвал ва 1-тасвир маълумотларидан кўриниб турибдики, қорамоллар подасининг таркибида сигирлар 200 бошни ташкил этиб, умумий пода таркибида салмоғи 40 % га тенг. Хўжаликда подани такрор ишлаб чиқариш учун имкониятлар етарли даражада деб баҳолаш мумкин. 18-24 ойлик ғунажинлар 59 бош ёки 11,8 % га тенг. 12-18 ойлик буқачалар пода таркибида 20 бошни ташкил этгани ҳолда, умумий қорамоллар таркибида 4,0 % улушга эга эканлигини кўриш мумкин. Яъни хўжалик асосан эркак ҳайвонларни 1,5 ёшгача боқиб, насли ҳайвон сифатида сотишни йўлга қўйган. Шунингдек, 12-18 ойлик таналар 22 бош бўлиб, салмоғи 4,4 % ни ташкил этмоқда. Бу ҳайвонларни ҳам маълум бир қисми насли қорамол сифатида сотилади. Шунга мос равишда пода таркибида 6-12 ойлик буқачалар 63 бошни (12,6 %), 6-12 ойлик урғочи таналар 50 бошни (10,0 %), 3-6 ойлик бузоқлар 38 бошни (7,6 %), 0-3 ойлик бузоқчалар эса 48 бошни (9,6 %) ташкил қилади.

Биз хўжаликнинг сўнгги йиллардаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳаракат қилганимизда шу маълумотларни олдик, яъни хўжаликда ишлаб чиқариладиган сут маҳсулотлари 2012

йилдан буён “NESTLE-UZBEKISTAN” масъулияти чекланган жамияти корхонасига шартнома асосида сотади.

Шунингдек, хўжаликдаги бракка чиқарилган ва эркак ҳайвонларни гўшт учун боқилиб вилояттдаги гўштни қайта ишлаш корхоналарига сотиш ҳисобига ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб келмоқда.

2-жадвал

“Муқумий” наслчилик фермер хўжалигида 2017-2022 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати (тонна)

Маҳсулот тури	Йиллар					
	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Сут	450	520	620	645	660	680
Гўшт	14	16	21	23	26	30

2-тасвир



3-тасвир



Ушбу 2-жадвал ва 2-3 тасвирлар маълумотларидан кўриш мумкинки, хўжаликда йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ортиб борган.

Жумладан, сут ишлаб чиқариш 2017 йилда 450 тонна, 2018 йилда 520 тонна, 2019 йилда 620 тонна, 2020 йилда 645 тонна, 2021 йилда 660 тонна ва 2022 йилда 680



тоннани ташкил этган бўлса, гўшт ишлаб чиқариш ҳам мос равишда 14, 16, 21, 23, 26 ва 30 тоннани ташкил қилмоқда. Шу билан бир қаторда хўжаликнинг ўртача йиллик даромади 5-6 млрд. сўмни ташкил этади.

Хўжаликда сигирларни тўлиқ сунъий уруғлантириш йўлга қўйилган бўлиб, уруғларни “Ўзнасччилик” давлат корхонасидан шартнома асосида сотиб олади ва ҳозирда ҳар 100 бош сигир ва ғунажинлардан 90-92 % бузоқ олишга эришилмоқда.

Ушбу эришилган натижалар ўз самарасини ҳам бериб келмоқда. Яъни хўжалик раҳбари Б.Рустамов 2012 йилда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг “Намунавий фермер хўжалиги” танлови ғолиби бўлган. 2013 йилда “Ташаббус-2013” кўрик танловининг “Энг яхши фермер хўжалиги” номинацияси ғолиби бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги эсдалик нишони билан тақдирланган.

Биз “Муқумий” наслчилик фермер хўжалиги билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ўртасида ўқув, илмий-амалий ҳамкорлик шартномалари тузишга эришдик. Шунингдек, хўжаликда мавжуд муаммолар асосида битирув малакавий ишлари, курс ишлари, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантирмоқдамиз.

Институтнинг “Хонадон ва томорқаларда паррандачилик ҳамда чорвачилик” кафедраси магистранти Р.А.Машрапова голштин зотли қорамолларда ўзининг “Импорт қилинган Голштин зотли сигирлардан олинган авлодларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш” мавзуси бўйича магистрлик диссертацияси тадқиқотларини олиб бориш учун режаларини тузиб олди. Хўжалик раҳбарияти олиб бориладиган илмий тадқиқот ишини муваффақиятли амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратишга яқиндан ёрдам беришларини таъкидладилар.

Хулоса. Шундай қилиб, Андижон вилояти Андижон туманидаги “Муқумий” наслчилик фермер хўжалиги қорамолларни ем-хашак билан таъминлаш учун етарли ер майдонига эга. Хўжаликнинг иқтисодий шароитлари ҳам талаб даражасида бўлиб, оғир ишларни механизациялаштириш учун турли техника, ускуналар билан етарлича таъминланган.

References:

1. Волохов, И.М. Биологические и продуктивные особенности голштинизированного скота Нижнего Поволжья: автореф. дис. ... д-ра биол.наук: – Московская область, Дубровский 1997. – 51 с.
2. Прохоренко, П. Н. Голштино-фризская порода скота. Текст. / П. Н. Прохоренко. – Л.: Агропромиздат, 1986.– 238 с.
3. Bakhtiyarova, Suyunova Z., and Amirov S. Kuzibaevich. "The Importance of Microclimate Indicators in the Dairy." International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, no. 1, 2020, pp. 1-6.
4. Kholbekova, M. B., &Amirov, S. K. (2022). IMPORTANCE OF MICROCLIMATE INDICATORS IN THE COWSHED. Current approachesandnewresearchinmodernsciences, 1(4), 63-66.
5. Tuychievna, A. M., Kuzibaevich, A. S., Kurbanova, S. E., Abdurafievich, M. K., &Tajievich, G. S. (2022). The use of technological measures in improving the body growth and



morphofunctional properties of the udder of cows. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 8-15.

6. Ilyasova, J., Amirov, S., & Eshmuratova, S. (2022). QORAQALPOG'ISTONGA IMPORT QILINGAN MONBELYARD ZOTLI QORAMOLLARDAN SAMARALI FOYDALANISH. Eurasian Journal of Academic Research, 2(6), 1084-1087.

7. Ч. С. Содиқова, Ш. Қ. Амиров, & Ш. Н. Мадрахимов (2022). ТУРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИПЛАРИГА МАНСУБ СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ БУҚАЧАЛАРНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИ. Academic research in educational sciences, TSAU (Conference), 535-540.

8. Kuzibaevich, A. S., & Zulfikorovich, J. O. (2021). Dependence of Clinical and Morphological Indicators of Blood of Cows on the Seasons. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology, 1(5), 116-120.

9. Javkharov, O., Amirov, S., & Abdulsaidov, B. (2021, August). MILK PRODUCTIVITY OF SWISS COW BREED: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1375>. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.06).

10. Жавхаров, О. З., Амиров, Ш. Қ., & Эгамбердиева, З. К. (2020). СОҒИН СИГИРЛАР РАЦИОНИДА АМИНОКИСЛОТА-ВИТАМИНЛИ ОЗУҚАВИЙ АРАЛАШМАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. In Инновационные подходы в современной науке (pp. 141-151).

11. OZ Javkharov, SK Amirov European Journal of Molecular & Clinical Medicine CHANGES IN THE BEHAVIOR OF COWS IN CONNECTION WITH PASTURE AND LIVESTOCK FARMING CONDITIONS. 9 (ISSN 2515-8260), 8972-8983.

12. Zhavkharov Oybek Zulfikorovich, Sobirov Ilhomjon Abdullayevich, Yulchiyev Tolqinjon Khamalovich, Boboyev Bakhromjon Kenjaevich. CHANGES IN THE BEHAVIOR OF COWS IN CONNECTION WITH PASTURE AND LIVESTOCK FARMING CONDITIONS. NEUROQUANTOLOGY | SEPTEMBER 2022 | VOLUME 20 | ISSUE 11 | PAGE 2440-2446.